

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗИРОВА ЗУЛФИЯ РУСТАМОВНА

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА АЛЛЕРГИК КЎЗ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ТАШХИСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on medical
sciences**

Назирова Зулфия Рустамовна

Мактаб ёшидаги болаларда алергик кўз касалликларининг клиник-
иммунологик ташхиси хусусиятлари 5

Назирова Зулфия Рустамовна

Клинико-иммунологические аспекты диагностики аллергических
заболеваний глаз у детей школьного возраста 23

Nazirova Zulfiya Rustamovna

Clinical and immunological aspects of diagnosis of allergic eye diseases in
school-age children 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 47
List of published works.....

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗИРОВА ЗУЛФИЯ РУСТАМОВНА

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА АЛЛЕРГИК КЎЗ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ТАШХИСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1. PhD/Tib147 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

**Илмий
раҳбарлар:**

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бузруков Ботир Тулкунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий
оппонентлар:**

Бахритдинова Фазилат Арифовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи
ташкilot:**

Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.50.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Республика иммунология илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Т. У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

У. П. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

А. А. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, болалар орасида аллергик касалликлар алоҳида ўринни эгаллаб, тарқалганлик даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Дунё миқёсида, жумладан кўпгина индустриал ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 20% да аллергиянинг турли шаклларида учраши аниқланган. Сўнгги йилларда аллергия билан касалланган барча болаларнинг 80-90% да кўзлари зарарланиши кузатилмоқда. Кўз касалликлари орасида эса аллергия 12,7 дан 24 фоизгача учрайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегиясининг қабул қилинганлиги, айниқса унинг тўртинчи йўналиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлашга қўйилган пойдевор хисобланади. Бугунги кунда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича салмоқли натижалар олинди. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва улардаги аллергик патологияларни кўпайишини олдини олиш, жумладан, кўзнинг аллергик касалликларини камайтиришда муайян ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида мактаб ёшидаги болаларда аллергик кўз касалликлар сурункалашуви 30%гача, ремиссия даври 43% га узайтирилди.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон миқёсида, аллергик касалликлар, жумладан кўзнинг аллергик касалликларининг йил сайин ортиши, кечинининг оғир даражада учраши ва беморлар ҳаёт сифатини пасайиши муҳим тиббий ва социал муаммолардан бирига айланди. Аллергик кўз касалликларининг келиб чиқиши ва ривожланишида турли экзоген ва эндоген омиллар, шу жумладан, ирсий омиллар, ноқулай экологик омиллар ва аралаш омиллар иштироки кузатилган. Ушбу омилларнинг таъсир даражаси ва ролининг етарлича ўрганилмаганлиги аллергия муаммосининг долзарблигини белгилайди. Шунингдек, мазкур патологияда кўз ёши иммун тизими ҳолатини ўрганиш, аллергик касалликларини эрта ташхислаш, замонавий гипосенсибилизация усулларни қўллаш, профилактика ва реабилитация чора-тадбирларини янада такомиллаштириш ва эрта ногиронликни олдини олиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон Қарори билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон «Тиббиёт муассасаларинининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўзнинг аллергик касалликларининг патогенетик асоси масаласи етарли даражада чуқур ўрганилган, бунда етакчи ўринни IgE - билвосита аллергик реакциялар ташкил этади (Гущин И.С. ва ҳаммуаллифлар, 2010; Akdis C. A. et al., 2004; 2006; Jutel M., Akdis M., Blaser K., Akdis C.A., 2006; O'Brien R. M. et al., 2000; Rolland J., O'Hehir R., 2001; Francis J.N., Till S.J., Durham S.R., 2003).

Республика шароитида ҳаво ҳарорати даражасининг юқорилиги, қуруқлиги ва ҳавода чанг миқдорининг кўплиги, аэрополлютантларнинг аралаш кўзғатувчи таъсири (Убайдуллаев А.М., Ливерко И.В., 2005), вегетация ва гуллаш даврининг узок чўзилиши нафақат шиллик қаватлар ҳимояси ва ёки репарацияси (Убайдуллаева К.М., 2010) механизмларининг бузилиши учун қулай шароит яратиб, иккиламчи иммунодефицит аломатларини шакллантиради.

Болаларнинг аллергик кўз касалликлар билан касалланишига жуда кўп омиллар сабаб бўлади. Аммо Ўзбекистон шароитида яшаётган болалар орасида ушбу касалликнинг аниқ ва илмий асосланган тарқалишининг ҳудудий хусусиятлари ҳақида маълумотлар йўқ. Бу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, болаларда аллергик кўз касалликларини келтириб чиқарадиган агентлар ва экологиянинг ифлосланиш даражасини аниқлаш, у билан боғлиқ бўлган моддалар алмашуви ва бошқа бузилишларни аниқлаш ва тавсифлаш орқали экопатология ҳолатларини, шу жумладан экологияга боғлиқ кўзнинг аллергик касалликларини профилактикаси ва даволаш усулларини ишлаб чиқишнинг аниқ йўналтирилган тадқиқотларини олиб бориш мавриди келди.

Охириги йилларда кўз аллергик касалликлар патогенезида муҳим роль ўйнайдиган биологик актив моддалар, хужайралараро ўзаро муносабатларда алоқа воситаси, яъни цитокинлар ҳақида баъзи бир мақолалар пайдо бўла бошлади (Назаров Ж.А., 2003, Fnedlander M.H., Roy F.H, Randall J., 20012).

Кўз конъюнктива бўшлиғи махсулоти бўлган “биологик суюқлик” концепцияси нуқтаи назаридан ҳозирги вақтгача амалий тадқиқотлар қилинмаган ва ўзига хос муҳим диагностик кўрсаткичлари ҳисобга олинмаган ҳамда амалиётга тавсия этилмаган. Кўп бўлмаган ва бизнинг шахсий маълумотларимиз шундан дарак берадики кўз конъюнктива бўшлиғи махсулоти суюқлик ва хужайравий компонентлардан ташкил топган, мейбомиев безлари, десквамиранган эпителий, лейкоцитлар ва микроорганизмлар ишлаб чиқарган ажралмадир. Ажралма ҳосил бўлиш

жараёни нисбатан бир хилда, лекин патологик ҳолатларда унинг миқдори ва таркиби сезиларли ўзгаради (Майчук Ю.Ф., Позднякова В.В., 2005).

Гематоофтальмологик тўсиқ ўтказувчанлиги ортганда пайдо бўладиган кўз ёши суюқлиги маркерлари деб тавсифланадиган баъзи лаборатория кўрсаткичлари, нейтрофиллар ва эозинофиллар гранулаларида жойлашган турли оқсиллар кўпинча кўриш тизими ҳимоя тизими функционал ҳолатини баҳолашга имконият бермайди. Ушбу кўрсаткичлар асосида иммун танқислик белгиларини аниқлаш мумкин (Гундорова Р.А., Синельщикова И.В., Майчук Ю.Ф., 2008; Белямова А.Ф., 2009; Eifan A.O., Shamji M.H., Durham S.R., 2011).

Юқоридагиларни эътиборга олиб, болаларда аллергик кўз касалликларининг клиник-иммунологик ташхиси усулларини такомиллаштириш, аллергик куз касалликларини даволаш имкониятларини кенгайтириш масаласи долзарб ва амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.980006703 «Ташҳислаш, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» (201-2015 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб ёшидаги болалар кўз аллергик касалликларини клиник-иммунологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда комплекс даволаш ва ташҳислашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактаб ёшидаги болалар кўз аллергик касалликлари структурасини ўрганиш ва энг кўп учровчи шаклларини аниқлаш;

текширилаётган болалар кўз ёши суюқлигида цитологик ўзгаришлар тавсифи ва биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш;

болалар кўз ёши суюқлигида иммунитет кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш;

болаларда кўз аллергик касалликлари клиник кечиш хусусиятларини цитологик ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатига кўра аниқлаш;

болалар кўз аллергик касалликларида оптималлаштирилган даволаш тактикаси самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 328 нафар аллергик кўз касалликли бемор ва 20 нафар амалий соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети турли аллергик кўз касалликли бемор ва соғлом болалар кўз ёши суюқлиги, вена қон ва зардоби ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда турли клиник-биокимёвий, офтальмологик, иммунологик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор болалар кўз соҳаси аллергик реакцияларида кўз ёши суюқлигининг клиник-иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлари комплекс тарзда аниқланган;

болалар кўз аллергик касалликларида кўз ёши суюқлиги иммунологик ва биокимёвий тадқиқотларининг диагностик аҳамияти аниқланган;

кўз ёшидаги иммуноглобулинлар ва цитокинларнинг гематоофтальмик барьернинг ўтказувчанлигидаги аҳамияти, уларнинг бузилиши туқиманинг яллиғланиши ва диструкциясига олиб келиши исботланган;

кўз ёши суюқлигининг гематологик индекслари кўзнинг секин кечар типдаги аллергик касалликларини қиёсий ташхислашдаги роли аниқланган;

кўз аллергик касалликлари клиник кечиш хусусиятлари кўз ёши цитологик ва организмнинг иммунологик кўрсаткичлари ҳолатига боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўз аллергик касалликларининг турли клиник-иммунологик шакллари учун янги дифференциал-диагностик мезонлар ишлаб чиқилган;

болалар кўз аллергик касалликларининг ташхиси ва дифференцирланган ташхиси учун компьютер программа ишланмаси ишлаб чиқилган;

касаллик рецидиви ва сурункалашуви жараёнларини камайтиришга имкон берадиган болалар кўз аллергик касалликларини оптималлаштирилган этиопатогенетик даволаш схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган ҳулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти мактаб ёшидаги болаларда аллергик кўз касалликларининг клиник-иммунологик ташхиси хусусиятларининг замонавий жиҳатлари ҳақидаги назарий маълумотларни кенгайтирган. Илк бор болаларда аллергик кўз касалликларининг патогенетик механизмлари кўз ёши суюқлигининг цитологик ва биокимёвий ҳамда организмнинг иммунологик кўрсаткичлари ҳолатига боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти болаларда аллергик кўз касалликларининг клиник-иммунологик ташхиси хусусиятлари асосида кўз аллергик касалликларининг турли шакллари учун янги дифференциал-диагностик мезонлар ҳамда компьютер программа ишланмаси ишлаб чиқилган, бу эса касаллик рецидиви ва сурункалашуви жараёнларини камайтиришга, кўз аллергик касалликларини оптималлаштирилган этиопатогенетик даволашга ва болалар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб ёшидаги болаларда аллергия куз касалликларининг клиник-иммунологик ташхиси хусусиятлари замонавий жиҳатлари бўйича олинган натижалар асосида:

болаларда аллергия кўз касалликларининг клиник-иммунологик ташхиси хусусиятлари замонавий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Болалар кўз ёши суюқлиги орқали аллергияда кўз зарарланишини ташхислаш услуги» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 31 декабрдаги 8Н-д/38 маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма Болалар кўз ёши суюқлиги орқали кўз аллергия зарарланишини эрта ташхислаш ва башоратлаш, клиник кечишини аниқлаш, клиник-иммунологик кўрсаткичларнинг аҳамияти асосида этиопатогенетик даволашни такомиллаштиришга хизмат қилади;

болаларда аллергия кўз касалликларининг клиник-иммунологик ташхиси хусусиятлари замонавий жиҳатлари бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика илмий ихтисослашган алергология маркази, Тошкент 1-сон болалар клиник касалхонаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 31 декабрдаги 8Н-д/38 маълумотномаси). Жорий қилинган кўз ёши суюқлигини иммунологик ва биокимёвий текшириш усулларини қўллаш болаларда кўз аллергия касалликларини ташхислаш сифатини 24 фоизга ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 7 мақола, жумладан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хозирги пайтда болалар кўзи аллергик касалликлари: ташхислаш ва даволаш**» деб номланган биринчи бобида адабиёт шарҳи келтирилган. Шарҳда кўз аллергик касалликларининг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези ва диагностикаси, иммун тизим ҳолати ҳақидаги замонавий маълумотлар, кўз аллергик касалликларига учраган болаларда маҳаллий яллиғланиш жараёнининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Кўз ёши суюқлиги ва ичак микрофлораси билан аллергик касалликлар орасидаги ўзаро боғлиқлик баҳоланган. Кўз аллергик касалликлари бўлган беморларни даволаш тактикаси акс этирилган.

Диссертациянинг «**Болалар кўзи аллергик касалликлари тавсифи ва кўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва услублари баён этилган.

Кўз аллергик касалликларининг турли аломатлари кузатилган, 6 дан 14 ёшгача бўлган 328 нафар болаларда ўтказилган клиник, аллергологик ва иммунологик текширувларнинг натижалари тадқиқотнинг асосини ташкил қилган. Назорат гуруҳини ҳеч қандай кўз аллергик ёки яллиғланиш касалликлари бўлмаган 20 нафар бола ташкил этган. Кўз аллергик касалликлари мавжуд болаларнинг 64,9 фоизи (213 бола) ўғил болалар, 35,1 фоизи (115 бола) қиз болалар бўлган.

Иммун тизимнинг ҳолатини баҳолашда қуйидаги усуллар қўлланади: фиколл-верографин градиентида периферик қондан лимфоцитларни ажратиб олиш (Boyum, 1968), CD3, CD4, CD8, CD16, CD19, CD25 ва CD95 моноклонал антитаналари ёрдамида (ООО Сорбент маҳсулоти, РФ, Москва) лимфоцитларнинг субпопуляциявий таркибини аниқлаш, А, М, G иммуноглобулинлари концентрациясини Манчини бўйича стандарт радиал иммунодиффузия усулида аниқлаш, қон зардобида цитокинлар ишлаб чиқарилишини ИФТ усулида аниқлаш. Мононуклеар ҳужайраларни периферик қондан Boyum (1968) усулида 1,077 г/мл зичликдаги фиколл-верографин зичлик градиентида ажратиб олиш йўли билан олинган.

Одамдаги интерлейкин-4 ни текширилаётган намуналарда (қон зардобида) қаттиқ фазали иммунфермент таҳлили усулида аниқланган. «ИФА-4IL» тўпламининг ишлаш тамойили қаттиқ фазали иммунфермент таҳлилнинг «сэндвич»-вариантга асосланган. Кўз ёши суюқлигининг текширилаётган намуналарида, иммунфермент таҳлил (ИФТ) усули билан IL-4, IL-1 β , TNF- α цитокинлари даражаси, шунингдек IgE ва sIgA миқдори аниқланган. Кўз ёшида циркуляцияловчи иммун комплекслар (ЦИК) концентрациясини борат буферида 7,5 фоизли полиэтиленгликоль эритмасини қўллаган ҳолда преципитация усули билан текширилди. Текширув СФ-16 спектрофотометрида 450 нм тўлқин узунлигида ўтказилди, ЦИК миқдори шартли бирликларда (ш.б.) ифодаланди. С-реактив оксил, комплемент компоненти, C₃, G, M ва A синф иммуноглобулинлари, шунингдек альфа-2-макроглобулин, церулоплазмин ва лактатдегидрогеназа концентрациясини «Human» фирмаси реагентлари тўпламини қўллаган ҳолда иммунфермент таҳлил ёрдамида текширилди.

Ишлаб чиқилган даволаш тактикасининг асосланганлиги. Олинган натижаларни эътиборга олиб биз КАКнинг шаклига қараб (кўзнинг аллергик касалликлари, кўзнинг инфекцион-аллергик касалликлари) даволашнинг қуйидаги схемасини таклиф этдик (1-жадвал).

1-жадвал

Болаларда этиопатогеннетик аллергик куз касалликларининг даволаш усули

Аллергик куз касалликлар	Инфекцион-аллергик куз касалликлари
Аллерген элиминацияси	Аллерген элиминацияси
Пархез	Пархез
Пробиотик Bifilaxx Immuno – 1 пак. 3 маҳал	Пробиотик Bifilaxx Immuno – 1 пак. 3 маҳал
Аскорутин – 1 таб. 3 маҳал 1 ой	Аскорутин – 1 таб. 3 маҳал 1 ой
Тауфон – 2 том 2 маҳал 1 ой	Тауфон – 2 том 2 маҳал 1 ой
Патанол 0,1% - 2 том 3 маҳал 1 ой	Патанол 0,1% - 2 том 3 маҳал 1 ой
Антигистамин дори воситалари – 1 таб. 1 маҳал	Антигистамин дори воситалари – 1 таб. 1 маҳал
	Тобрекс 0,3% - 2 том 4 маҳал 7-10 кун

Таққослов гуруҳини анъанавий даволанган болалар ташкил этиб, у кўз аллергик касалликларида патанол ва антигистамин препаратларини, кўз инфекцион-аллергик зарарланишларида эса тобрексни ўз ичига олувчи даволашдан иборат бўлган.

Текширувдан олинган натижаларга Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office Excel-2003 дастурий пакети ёрдамида, киритилган статистик ишлов бериш функциясини қўллаб, стандарт статистика кўрсаткичларини (M, m, σ) ҳисоблаш орқали ишлов берилган. Тафовутлар $p < 0,05$ бўлганида статистик аҳамиятга молик деб топилган.

Диссертациянинг «**Болалар кўзи аллергик касалликлари структураси ва ушбу патологиянинг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида болалардаги кўз аллергик касалликларининг таркиби ва ушбу патологиянинг клиник тавсифи келтирилган.

Аксарият болаларда (94,2 фоиз) аллергик конъюнктивит учрайди. Комбинацияланган шакллари болаларнинг 91,8 фоизида қайд этилган.

Кўз аллергик касалликларига чалинган болаларда қуйидаги ёндош аллергик касалликлар аниқланган. Чунончи, энг кўп мазкур патология аллергик ринит (87,8 фоиз) ва поллиноз билан (35,1 фоиз) қўшилиб келган. Бронхиал астма билан қўшилиб келиши 52 нафар болада қайд этилиб, 15,8 фоизни ташкил қилган. Аллергодерматит ва овқатдан аллергия болаларнинг 24 нафариди (ҳар бир патологиядан 12 тадан) қайд этилган.

Ўтказилган текширувларнинг натижалари шундан дарак берадики, кўз аллергик касалликларига учраган болаларда ёндош касаллик сифатида асосан аллергик ринит ва поллиноз аниқланган бўлиб, бу адабиёт маълумотларига мос келади.

Аллергологик текширув натижаларига кўра, фақат 54 (16,5 фоиз) ҳолатларда кўз аллергик зарарланишлари моновалент сенсibiliзация туфайли бўлган, аллергик хасталикка дучор бўлган болаларнинг аксариятида

- 274 нафарда (83,5 фоиз) – поливалент сенсibiliзация кузатилган. Моновалент сенсibiliзацияланган 45 нафар болада кўз аллергик касалликлари бошқа аллергик касалликлар замирида келиб чиққан.

Кўйилган тери тестларининг маълумотларига кўра, моновалент сенсibiliзацияни 29 (53,7 фоиз) болада чанг, 16 нафарда (29,6 фоиз) овқат аллергенлари ва 9 болада (16,7 фоиз) уй чанги аллергенлари чақирган. Поливалент сенсibiliзация туфайли келиб чиққан кўз аллергик патологиясига чалинган болаларнинг 59,1 фоизида (162 та бола) овқат маҳсулотларига, 57,7 фоизида уй чанги аллергенларига (158 бола), 53,3 фоизида – чанг (146 бола), 28,8 фоизида – эпидермал (79 бола), 21,2 фоизида – бактериал аллергенларга (58 бола), 10,6 фоизида моғор замбуруғлари аллергенларига (29 бола) сенсibiliзация аниқланган.

Олинган маълумотларга мувофиқ барча текширувдан ўтказилган беморлар икки гуруҳга ажратилган: кўзнинг аллергик зарарланишлари (270 та бола; 1-гуруҳ) ва кўзнинг инфекцион-аллергик зарарланишлари (58 та бола; 2-гуруҳ). Кўзнинг инфекцияли-аллергик касалликлари кўпинча аллергик ринит (79,3 фоиз), бронхиал астма (62,1 фоиз), поллиноз (17,2 фоиз), атопик дерматит (6,9 фоиз) билан кўшилишиб келади, унинг учраши пациентларда ўсимлик чанглари билан овқат маҳсулотлари орасидаги ўзаро кесишган аллергик реакциялар ривожланган ҳолатларда ошиб кетади. Кўз аллергик касалликларига учраган болаларда ҳам аллергик ринит билан кўшилиб келиши қайд этилади, бироқ унинг фоизи кўз инфекцион-аллергик зарарланишларидагига қараганда юқориқдир. Бу гуруҳдаги беморларда БА билан кўшилиб келиши фақат 3,7 фоиз ҳолатларда қайд этилиб, аллергик дерматит билан биргаликда келиши кузатилмайди.

Кўз аллергик зарарланишларида беморларнинг 46,7 фоизида ҳолсизлик, толиқиш, иш фаолияти ҳамда диққатни жамлашнинг пасайиши, жиззакилик, бош оғриғи, уйқу бузилишлари пайдо бўлган. Одатда, касаллик ўткир тарзда, қовоқларнинг қизариши ва шишиши, кучли қичишиши, ачишиш, ёруғликка қарай олмаслик, ёш оқиши, конъюнктива шиши ва қизаришидан бошланади.

Бундан ташқари, кўз инфекцион-аллергик касалликларига чалинган болалар бизнинг текширувларимизда энг катта гуруҳни (58 та бола) ташкил этганлар, бу мазкур гуруҳдаги пациентларнинг салмоқли қисмида ринитлар, респиратор аллергозлар ва дерматитлар билан кўшилиб келувчи атопия аломатлари мавжуд бўлади. Атопиянинг кўшилиб келувчи кўринишларида болалар конъюнктивит туфайли ҳар доим ҳам окулистга мурожаат қилавермайдилар, натижада тегишли даво бошқа мутахассислар томонидан ўтказилади.

Юқорида баён этилганларга асосланган ҳолда биз текширилатган болаларда кўз аллергик ва инфекцион-аллергик касалликларида дифференциал ташхислаш схемасини ишлаб чиқдик (1-расм).

Шундай қилиб, болаларда кўз аллергик касалликларининг ривожланишига ёрдам берувчи омиллар қуйидагилар: болаларнинг 57,9 фоизида, айниқса кўзнинг аллергик зарарланишлари мавжуд болаларда ирсий

мойиллик ва олдиндан мавжуд бўлган овқат, маиший, эпидермал сенсбилизация (49 фоиз). Болаларда кўз алергик касалликларининг таркиби аниқланган бўлиб, у асосан алергик конъюнктивитлар (94,2%) ва уларнинг комбинацияланган шаклларининг (91,8%) мавжудлиги билан тавсифланади.

Терида тестлар қўйиш орқали кўз алергик зарарланишларининг шакллари аниқланган. Чунончи, 82,3 фоизида кўзларнинг алергик зарарланишлари, 17,7 фоизида эса инфекция-алергик зарарланишлари топилган. Кўзларнинг алергик ва инфекция-алергик касалликлари учун хос бўлган дифференциал клиник мезонлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Болалар кўзи алергик касалликларида яллиғланиш ва алергик кўрсаткичларнинг тавсифий хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида кўз алергик касалликларига учраган болаларда яллиғланиш ва алергия кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган. Инфекцион алергия агенти ноинфекцион ва инфекция табиатга эга бўлган кўз алергик касалликларининг клиник манзарасида етакчи рол ўйнашини назарда тутиб, тадқиқотнинг бошланишида, ўрганилаётган патология этиопатогенезининг айрим томонларини тушуниб олиш учун кўз алергик касалликларига дучор бўлган текширилаётган болаларни гуруҳларга ажратишга дифференциал тарзда ёндошиш мақсадида суртмалар цитограммасини, қоннинг гематологик индексларини ҳамда СРОнинг ўзгариш хусусиятларини ўргандик.

Ушбу масалани ҳал этиш учун кўз алергик касалликларига учраган 76 нафар бола танлаб олинди.


Аниқланишича, лейкоцитларнинг гематоофтальмик тўсиқ орқали эмиграциясининг жадаллиги болалардаги кўз алергик касалликларининг инфекция шаклида энг ифодаланган бўлади, бунда кўз ёши суртмалари цитограммасида полиморф-ядроли лейкоцитлар устунлик қилади (соғлом болаларда 1 мм^3 кўз ёши суюқлигида $17,8 \pm 1,85$ хужайра). Гематоофтальмик тўсиқ орқали лейкоцитлар миграцияси салмоғининг ошиб бориши ёки частотаси кўз алергик касалликларига учраган болаларнинг 55,3 фоизида (42 бола) қайд этилган.

Кўз алергик касалликлари бўлган 34 (44,7 фоиз) болада кўз ёши суюқлиги суртмасининг цитограммасида эозинофиллар (1 мм^3 кўз ёши суюқлигида $4,3 \pm 0,34$ хужайра) ва лимфоцитлар (1 мм^3 кўз ёши суюқлигида $3,6 \pm 0,46$ хужайра) устунлик қилган, бу кўрсаткичлар соғлом болаларда мос тарзда қуйидагича фарқ қилади – 1 мм^3 кўз ёши суюқлигида $1,1 \pm 0,23$ ва $1,3 \pm 0,36$ хужайра.

Кўз алергик касалликлари билан хасталанган болаларнинг қон зардобиде С-реактив оқсил (СРО) даражаси, асосан эндотоксин-индукцияланган тури 115 баробар ошиб, соғлом болалар гуруҳидаги $0,07 \pm 0,01$ мг/л га қарши $8,04 \pm 0,91$ мг/л ни ташкил қилган ($p < 0,05$).

Ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлилининг кўрсатишича, эндоген-индукцияланган яллиғланишли беморларда кўз ёши суюқлигидаги С-реактив

оқсил даражаси ҳаққоний тарзда 34 баробарга кўтарилган ва $184,2 \pm 11,01$ мкг/мл га тенг бўлган ($p < 0,05$).



1-расм. Болаларда кўз аллергияк касаллиқларини уларнинг шаклларига кўра дифференциал ташхислаш схемаси

КАКли болаларда эндоген-индукцияланган яллиғланишда интоксикация индексининг 3,3 баробарга ошганлиги ($p < 0,05$) ва назоратга нисбатан $1,21 \pm 0,12$ даражасига етганлиги қайд этилган. Кузатилган ЛИИ манзараси қондаги эозинофиллар ва лимфоцитлар фоизининг пасайиши билан боғлиқ. Текшириляётган болаларда лейкоцитлар силжиш индексининг (ЛСИ) икки баробар ошганлиги аниқланиб, бу яллиғланиш жараёнининг фаоллашганлигидан дарак беради. Аксинча, аллергияланиш индекси эса, хавола этилган натижалардан кўринадики, 2 баробарга пасайиб, назорат гуруҳидаги $0,92 \pm 0,11$ га қарши $0,45 \pm 0,04$ ни ташкил қилган.

Келтирилган тадқиқот натижаларидан кўринадики, эндоген-индукцияланган яллиғланиш мавжуд болаларда лактатдегидрогеназа ферментининг кўз ёши суюқлигидаги фаоллиги ўртача 38 фоизга ошиб, $16,4 \pm 1,44$ ЕД/к ни ($p < 0,05$) ташкил этган.

Чунончи, биз куйидаги натижаларга эга бўлдик: соғлом болаларда у $13,9 \pm 2,11$ ш.б. га, бемор болаларда $18,9 \pm 1,71$ ш.б. га тенг бўлди, яъни гарчанд 1,4 баробар ошган бўлсада, иккала гуруҳларда ҳаққоний тафовутлар қайд этилмади.

Кўз аллергия касалликлари мавжуд биз текширган болаларда ИАнинг ўртача 2 баробарга ўсганлиги қайд этилган ($p < 0,05$). Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, кўз аллергия касалликлари мавжуд бўлган 34 нафар болаларда кўз ёши суюқлиги суртмаси цитограммасида эозинофиллар ($4,3 \pm 0,34$ хужайра) устунлик қилган (соғлом болаларнинг 1 мм^3 кўз ёши суюқлигида эса $1,1 \pm 0,23$ хужайра).

Тадқиқотда келтирилган натижалардан кўринадики, текширилган болаларда нафақат ИА, балки Ig E ҳам фақат қондагина эмас, балки кўз ёши суюқлигида ҳам ўртача 1,9-2,2 баробар ($p < 0,05$) юқори бўлган.

Олинган маълумотларнинг индивидуал таҳлили кўз аллергия касалликлари мавжуд болаларнинг кўз ёши суюқлигида ИЛ-1 β цитокини даражасининг ошиши билан тестланганлигини аксарият кузатувларда аниқлаш имконини берди. Ўрганиляётган кўрсаткичнинг олинган катталиги кўз ёши суюқлигидаги ИЛ-1 β норматив кўрсаткичлари қийматидан 3,5 баробар юқори бўлиб, $18,3 \pm 2,4$ пг/мл ни ташкил этган ($p < 0,05$).

Яллиғланишга хос хусусиятига эга ИЛ-1 цитокини концентрацияси кўз аллергия касалликлари мавжуд болаларнинг кўз ёши суюқлигида $108,1 \pm 5,33$ пг/мл ни ташкил қилган, ўрганиляётган кўрсаткичнинг олинган катталиги кўз ёши суюқлигидаги ИЛ-6 норматив кўрсаткичлари қийматидан юқори бўлган ($70,1 \pm 5,43$ пг/мл; $p < 0,05$).

Тадқиқотларда аниқланишича, таққосланаётган гуруҳлардаги пациентлар кўз ёши суюқлигидаги ИЛ-4 даражасига кўра фарқ қилганлар. Жумладан, кўз аллергия касалликларига учраган ҳамда аллергия ўзгаришлар билан ассоциацияланувчи болалар кўз ёши суюқлигидаги ИЛ-4 даражаси назорат гуруҳидаги текширилган болалар кўз ёши суюқлигидаги ИЛ-4

даражасидан 30 фоизга паст бўлиб чиққан. Тадқиқотларимизда биз кўз ёши суюқлигида $\dot{Y}NO\alpha$ даражасининг ўртача 34 фоизга ошганлигини кузатдик, бу гематоофтальмик тўсиқнинг ўтказувчанлиги юқори эканлигидан дарак беради.

Бизнинг кузатувларимиз ва кўз ёши суюқлигини биокимёвий текширишларнинг кўрсатишича, кўз ёши суюқлигидаги секретор IgA даражаси назорат гуруҳига нисбатан 21 фоизга ошиб, $0,41\pm 0,01$ г/л га тенглашган ($p<0,05$). sIgA синтезида IgA миқдори бевосита ахамият касб этишини эътиборга олинадиган бўлса, унинг текширилган болаларда биз кузатган 32 фоизга пасайганлиги ($p<0,05$) тушунарли бўлади.

Тадқиқот натижаларидан кўринадики, кўз аллергия касалликлари мавжуд болаларда кўз ёши суюқлигида G ва M синф антитаналари даражаси мос равишда 2,2 ва 3,5 баробарга ошган ($p<0,05$). Ўхшаш динамика C_3 таркибга нисбатан ҳам кузатилган бўлиб, унинг кўз ёши суюқлигидаги миқдори дастлабки даражасидан 2,2 баробарга кўтарилган ($p<0,05$). Бунинг фаоллашувига G ва M синф антитаналари даражасининг ошиши, иммун комплекслари томонидан тўқималарнинг зарарланиши олиб келади, сўнгра C_3 комплементнинг фаоллашуви какинларнинг ҳосил бўлишига, иммун комплекслар ўтириб қолган жойларда фагоцитоз жараёнининг фаоллашувига, кўз ёши суюқлигида протеаза фаоллигининг ошишига олиб келади.

Дастлаб олинган маълумотлар таҳлил этилганда кўз ёши суюқлиги (КЭС) коагуляцион фаоллиги кўрсаткичлари иккала гуруҳ пациентларида ҳам меъёрдагига нисбатан ва ўзаро бир-биридан ишончли фарқ қилиши аниқланди.

Болаларда инфекция билан ассоциацияланган аллергия касалликларга чалинган болаларда кўз ёши суюқлигининг коагуляцион фаоллиги 2 баробарга ошиб, назорат гуруҳидаги $31,8\pm 2,54$ сек га қарши $0,28\pm 4,56$ сек ни ташкил этган. Кўз ёши суюқлиги коагуляцион фаоллигидаги анча яққол ўзгаришлар аллергия билан ассоциацияланган кўз аллергия касалликларига чалинган болаларда қайд қилинган, яъни у дастлабки даражадан 2,6 баробар юқори бўлган ($p<0,05$).

Кўз аллергия касалликларига дучор бўлган болаларда қонда циркуляцияловчи эндотелиал хужайралар парчаларининг миқдори аниқланганда, уларнинг 1-гуруҳ болаларида соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан 2,6 баробарга ($p<0,05$), 2-гуруҳда эса – 3,1 баробарга ошганлиги қайд этилган. Кўз аллергия касалликларига учраган болалар текширилганда 1-гуруҳдаги болаларда тромбоцитлар фаол шакллариининг ҳаққоний тарзда 2,2 баробарга ($p<0,05$), 2-гуруҳда – 3 баробарга ($p<0,05$) ўсганлиги аниқланган, бу мос равишда ўртача $2,8\pm 3,12$ ва $31,3\pm 2,64$ фоизни ташкил этган. Тромбоцитлар фаол шакллариининг ошиши билан бир қаторда

тромбоцитар агрегатлар сонининг мос равишда 2 ва 3 баробар ошганлиги аниқланган.

Кўз ёши суюқлигида мазкур реактоитни текширишлар шуни кўрсатдики, инфекция билан ассоциацияланган кўз аллергия касалликлари мавжуд болаларда церулоплазмин миқдори назоратдаги $0,77 \pm 0,06$ ммоль/л га қарши $1,53 \pm 0,12$ ммоль/л га статистик ишонарли кўтарилган. Ўхшаш динамика кўз аллергия касалликлари аллергия билан ассоциацияланган болаларда ҳам кузатилган. Чунончи, мазкур гуруҳдаги болаларда кўз ёши суюқлигидаги церулоплазмин миқдори ўртача 2,2 баробарга ошганлиги қайд этилган ($p < 0,05$).

Қон ивишининг III босқичи кўрсаткичлари таҳлил қилинганда тромбин вақти инфекция билан ассоциацияланган кўз аллергия касалликлари мавжуд болалардаги назорат қийматлари оралиғида бўлганлиги, аллергия билан ассоциацияланган гуруҳда эса ҳаққоний тарзда 15 фоизга ошиб, $14,3 \pm 1,33$ сек га тенглашганлиги ($12,4 \pm 0,28$ сек га қарши; $p < 0,05$) аниқланган, фибриноген миқдори текшириладиган гуруҳларнинг барчасида назорат гуруҳидагига нисбатан ортиқ бўлган. Чунончи, бемор болаларнинг I гуруҳида у дастлабки даражадан 35 фоизга, кўз аллергия касалликларига чалинган II гуруҳ болаларида эса 62 фоизга ортиқ бўлган ($p < 0,05$). Бинобарин, турли этиологияга мансуб кўз аллергия касалликлари мавжуд болаларда фибриноген истеъмоли коагулопатияси қайд этилган, бу бизнингча, тромбоцитларнинг фаоллашуви ва эндотелиоцитлар дисфункцияси туфайлидир.

Шундай қилиб, кўз аллергия касалликларига чалинган болаларда эндоген интоксикация ва аутоиммун реакция замирида эндотелиоцитлар дисфункцияси қайд этилади, бу локал коагуляцион фаолликнинг ошишига олиб келади. Бундай ошиш қоннинг гемостаз тизимидаги ўзгаришлар билан бирга кўшилиб келади. Ўрганиладиган кўрсаткичлардаги бунданда салмоқли ўзгаришлар болалардаги кўз аллергия касалликлари аутоиммун жараён билан ассоциацияланганда кузатилади.

Диссертациянинг «**Болалар кўзи аллергия касалликларида иммун тизим хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида кўз аллергия касалликларига чалинган болаларда иммунологик кўрсаткичларни текшириш натижалари келтирилган. Олинган натижаларга асосланиб, кўз аллергия касалликларига чалинган болаларда назорат гуруҳидагига нисбатан иммунитетнинг ҳам ҳужайравий, ҳам гуморал бўғинларида дисбаланс кузатилиши аниқланган. Кўз аллергия касалликларига учраган болаларда лейкоцитлар миқдорининг ҳаққоний ошганлиги кузатилади ($p < 0,01$), бу айниқса кўз инфекцион-аллергия касалликлари мавжуд болаларда яққол намоён бўлади. Худди шундай тенденция лимфоцитларнинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари ўрганилганда ҳам кузатилган ($p < 0,001$).

